

Рўзадор бошқалар билан қандай муносабатда бўлиши керак?



14:17 / 08.06.2017 3958

Ислом динида мусулмонлар бир-бирига душманлик, хафагарчилик ва қўполлик қилишлари қораланади. Айниқса бугунги кунимизда биз жуда эътиборли бўлмоғимиз керак. Ислом динини ваҳшийлик дини ниқобида кўрсатишга уринишаётган ҳозирги кунимизда, мусулмонларнинг энг асосий вазифаларидан бири инсонларга мулойимлик ва сабр-қаноат билан ҳақиқатни англашларида кўмаклашишдир.

Динимизда мажбурлаш йўқлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Ақлли инсон мажбурлашнинг ўрнига ишонтириш ва кўндириш санъатидан фойдаланади. Шунинг учун, энг аввало, ўзимиз рўзани ибодат сифатида қанчалик муҳим эканини англаб олишимиз, ундан кейин эса энг мақбул ҳолатда бошқаларга тушунтиришимиз керак. Агар мусулмон банда рўза тутмаса, ҳар қандай арзирли сабаби бўлмасин, ушбу инсон эътиқодида қандайдир нуқсон бор. Бу каби инсонлар эътиқоднинг асл мазмунини яхши тушуниб олишлари керак. Чунки эътиқодсиз ва мусулмон бўлмаган инсондан ибодат кутилмайди. Агар бу масалага одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, рўза тутмаган одам рўзадорнинг олдида таомланмайди. Ҳадисларнинг бирида мусулмонларнинг рўза тутишларига ҳурмат билдирган яҳудий ҳақида гап боради ва натижада у иймонга келиб, жаннатий бўлади. Рўзадор эса доимо ёдида тутсинки, Исломга

хафагарчилик, душманлик ва қўполлик билан хизмат қилинмайди. Инсон томонидан содир этилган амалларга нафрат билан инсоннинг ўзига нисбатан нафратнинг ўртасидан катта фарқ бор.

Юқорида айтиб ўтилганидек, амалларнинг софлиги, Аллоҳ таолонинг буйруқларига бўйсунуш ва қайтариқларидан қайтиш мукамал ва мустаҳкам иймон натижасидир. Хоҳ у рўза тутиш бўлсин, хоҳ ибодатларнинг бошқа тури ёки солиҳ амал бўлсин, буларнинг барчаси Ислом динининг софлигига эътиқод қилиш асносида бўлади. Шу сабабдан, агар ҳар томонлама мукамал инсонларни тарбия қилмоқчи бўлсак, унда биз бор имкониятимизни уларнинг эътиқодларини мустаҳкамлашга қаратишимиз керак. Мусулмонларнинг бугунги кундаги аҳволи уларнинг эътиқодларининг заифлашиб кетганлигидандир. Ислом динининг энг асосий мақсадларидан бири илм ўрганишлик ва ушбу илмни бошқаларга ўргатишлиқдир. Билим эса эътиқоднинг асосидир. Шунинг учун тушунтириш ишларида эҳтиёткорлик ва асталик билан, сабр ва камтарликка суяниб, мажбурлаш ва ҳақоратли сўзлардан қочган ҳолда ҳаркат қилиш мақсадга мувофиқдир ва бу албатта ўзининг кутилган, кўнгилдагидек натижаларини беради.

Абдулатиф ИРГАШЕВ таржимаси